



## СИЙДИК АЖРАТИШ ТИЗИМИ АЪЗОЛАРИ ТУБЕРКУЛЁЗИ

**Аширов Улуғбек Хусанбоевич**

*Ўзбекистон Республикаси*

*Наманган вилоят фтизиатрия пулманология маркази*

*Директор ўринбосари Фтизиоуролог, Уролог: .*

*Телефон номер: +99894 104 13 40*

*Телеграм: @ftiziourolog\_urolog\_vrachUZD.*

*YouTube: @AshirovUlugbekDoctor*

Сийдик ажратиш тизими аъзолари туберкулёзи бу -жиддий касаллик бўлиб, дастлабки босқичларида носпецифик яллиғланиш ниқоби остида шаклланади: пиелонефрит, цистит, уретрит. Шу боис ташхислаш нисбатан мураккаб.

### БЕЛГИЛАРИ:

- Туберкулёз касаллиги билан буйраклардан беморлар бел соҳасидаги оғриқлардан шикоят қилади,
    - сийишнинг бузилиши(оз тез сийиш, ачишиб сийиш, оғриқли сийиш),
    - буйраклар санчиғи,
    - макрогематурия(қон аралаш сийиш),
    - сийдик найларини торайиши(кучли оғриқлар билан)
    - Гидронефроз(буйрак косача ва жомчасининг кенгайиб кетиши)
    - Буйракнинг фаолиятини бузилиши(касаллик узоқ вақт кечганда)
    - Тана хароратини ортиши
    - Озиб кетиш
    - простата беги туберкулёзи куйидаги оғриқлар билан ҳам намоён бўлади
  - оралиқ соҳасидаги оғриқ ва сийишнинг бузилиши, беморларнинг ярми гемоспермия(уруғда қон бўлиши) бор.
  - Ўтказилган даво чораларига қарамасдан юқоридаги белгиларни тез тез қайта кузатилиши.
  - Юқоридаги белгилар беморни йиллар давомида тарк эмаслиги(кўп холларда беморлар анамнезида касаллик узоқ йиллардан буён қийнаб келади).
- Урогенитал туберкулёзни эрта аниқлаш-бу касалликни фақат консерватив усуллар билан даволаш мумкин бўлган босқичида ташхислашдир.
- Ташхислаш(диагностика):
- Мутахассис Фтизиоуролог врач кўруви.
  - Сийдик(мазок)ни микроскопик БКга текшириш. Бунда суткали йиғилган сийдик чўкмасини текшириш.
  - Сийдикни GeneXpert усулида БКга текшириш. Суткали йиғилган сийдик чўкмасини текшириш.
  - Сийдикни ПЦР усулида БК га текшириш. Суткали йиғилган сийдик чўкмасини текшириш.
  - Quantiferon тест усулида текшириш. Бунда қон намунаси теширилади.



- Диаскинтест синамаси. Билак сохасига тери остига махсус зардоб жўнатиш орқали синама ўтказиш.
- УТТ(ултар товуш текшируви).
- Цистоскопия(махсус инструмент орқали қовуқ ичини шиллик қаватларини кўриш ва текшириш).
- Умумий ва экскретор урография(буйрак сийдик йўллари вена ичига контраст модда юбориб текшириш).
- МСКТ.

Сийдик ажратиш тизими аъзолари туберкулёзи гумон қилинган беморлардан эпидемиологик анамнези тарихини йиғишда туберкулёз касаллиги инфекцияси билан алоқа мавжудлигини аниқлаш тавсия етилади, олдинги ёки жорий мавжудлиги ҳар қандай локализациянинг туберкулёз касаллиги, оиласи ва қариндошлари, кўшниларида туберкулёз билан оғриганлар бор йўқлигини билиш ҳам муҳим.

Давоси:

Даволаш туберкулёзга қарши махсус шифохоналарда ўтказилади. Бундай шифохоналар барча вилоятларда мавжуд. Сийдик ажратиш тизими аъзолари туберкулёзи аниқланган вақтда ушбу касалликни даволаш туберкулёзга қарши махсус дорилар билан(изониазид, рифампицин, пиразинамид, этамбутол) амалга оширилади. Ушбу дори препаратларини қанча миқдорда, қанча вақт ичиш лозим буни мутахассис белгилаб беради ва давони кузатиб боради. Шу боис юқоридаги белгилар кузатилса мутахассис ФТИЗИОУРОЛОГ варчга мурожат қилиш лозим.

Бундан ташқари туберкулёз касалликларини дори препаратларга турғун формалари ҳам мавжуд.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Клиническая фтизиоурология Автор: А.И.Фрейдовия 2002-йил.  
Монографиялардан фойдаланилди.